

PROBLEMS IN TRANSLATING THE CONCEPT OF "SPIRITUALITY"

Akhmedova Mehrinigor Bahodirovna,
Associate professor, PhD of BukhSU

Abstract. The most comprehensive study of the concept of "spirituality" and its translation problems is analyzed in this article.

The presentation of works of art, which are an expression of the Uzbek national spirituality, to students around the world plays a key role in the process of integration with world culture and science. There are a number of problems in translating works that are steeped in the concepts of national psyche and spirituality, especially when translating them into English. In particular, the translation of concepts belonging to only one nation into other languages, that is, the translation of concepts that are elements of the conceptsphere of one nation into another language, raises a number of questions and problems, in which case the translator can be assisted mainly by systematic conceptual dictionaries.

Key words. Enlightenment, spirituality, translation, concept, semantic field

Ўзбек тилининг жаҳон миқёсида мустаҳкам ўрин эгаллашида, биринчидан, унинг Интернет тилларидан бирига айланиши, иккинчидан, ўзбек миллий маънавияти намуналари, чунончи, бадий асарларнинг дунё тилларига таржима қилиниши асосий омил ҳисобланади.

Ўзбек миллий маънавияти ифодаси ҳисобланган бадий асарларнинг бутун дунё ўқувчиларига тақдим этилиши жаҳон маданияти, илм-фани билан интеграллашув жараёнида белгиловчи ўрин касб этади. Миллий руҳият ва маънавият тушунчалари билан йўғрилган асарларни таржима қилишда,

хусусан, инглиз тилига ўгиришда қатор муаммолар кўндаланг туради. Жумладан, фақат бир миллатга хос тушунчаларнинг бошқа тилларга таржима қилиниши, яъни бир миллат концептосфераси элементлари бўлган тушунчаларни бошқа бир тилга ўгиришда қатор савол ва муаммолар юзага келадики, бу ҳолатда таржимонга, асосан, тизимли концептуал луғатлар кўмак бериши мумкин.

Аслият ва таржима тиллари бадиий-услубий воситаларини чуқур матний ва лисоний таҳлил қилиш асосида қиёсий ўрганишгина санъаткорни таржима амалиётида учраб турадиган қатор иллатлардан сақлаб қолгани ҳолда унга аслият лисоний-услубий ҳодисалари вазифаларини ижодий тиклаш имкониятини беради. Ҳеч шубҳасиз, «маънавият» категориясига оид бирликлар ҳам бадиий асар руҳияти, муаллиф мақсади ва унинг услубини очиқ берувчи, шунингдек, асар яратилган муҳит, ижтимоий жараёнлар ва бошқа қатор миллий қадриятларни ўзида акс эттирувчи муҳим воситалардан биридир. Зероки, маънавият ва маданиятни миллийликдан айри тасаввур этиб бўлмайди.

Одатда, бадиий асарлардаги миллий ўзига хосликларнинг лисоний ифодаларини икки йирик категорияга ажратиш ўринли. Булар:

- 1) лингвокультурологик реалиялар;
- 2) лингвомаънавий тушунчалар.

Таъкидлаш зарурки, лингвомаданий тушунчалардан фарқли ўлароқ, лингвомаънавий тушунчалар нафақат бир миллатга тегишли, балки айни пайтнинг ўзида бир неча миллат, қолаверса, инсоният шуури ва турмуш тарзига сингиб кетган умумбашарий характерга эга бирликлар сифатида баҳоланиши мумкин. Шунга қарамай, ўзбек тилидаги «маънавият» категорияси ифода бирликларини йирик гуруҳларга бўлган ҳолда уларнинг инглиз тилидаги таржималарини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.

«Маънавият» категориясининг биринчи гуруҳига «ахлоқ» умумий семали бирликларни киритиш мумкин. Бу гуруҳ ифода бирликлари инсон хулқ-атвори ва ахлоқига, тарбия ва тарбиялаш жараёнига боғлиқ тушунчаларни ўз ичига олади.

Аввал таъкидлаганимиздек, «маънавият» категорияси ифодаларини ижобий ва салбий маъно бўёқдорлигига эга тушунчаларга ажратиш ўринли. Бироқ *фаросат*, *муомала* ёки *хулқ* каби ифодаларни бевосита у ёки бу гуруҳга киритиш мумкин эмас. Бу сўзлар контекстан келиб чиққан ҳолда ёки ўзи билан бирга келган ифодачисининг маъносига боғлиқ ҳолда англашилади. Хусусан, *фаросат* сўзи бир қарашда ижобийдек туюлса ҳам, бу сўз *фаросати наст* деган бирикма таркибида кўлланганда, вазият дарҳол тескари тус олади. Шу сабабдан фақат ижобий ёки салбий гуруҳ билан чекланмасдан, мўътадил қатламга ҳам ажратиш ифода бирликлари кўламини янада кенгроқ қамраб олади. Фикримизни юқоридаги парчанинг инглиз тилига таржимаси асосида далиллашга ҳаракат қиламиз:

Қуйида «маънавият» бирликларини матн контекстида таржима қилиш йўллари билан танишамиз:

Ўзбек тилида	Инглиз тилида
<p><i>Сен шоҳсану, аммо нафсингга мағлуб ва хорсан, у гадо бўлса ҳам, нафсини ўзига асир этган. То тирик экансиз, ҳар иккингиизнинг ҳолингиз шундай кечади. У гадо ва сен шоҳнинг яшаш тарзингиз шундайдир. Ўлганингиздан кейин эса у – шоҳ, сен эса – гадо бўласан. Чунки сен маст</i></p>	<p><i>You are the king in your country, but a slave for your cupidity within your soul. And my friend is a slave and a beggar who doesn't have a penny, but he is the King for cupidity and never obeys it. Your ways of life are quite different from each other. You're the King today, when you're alive, but you</i></p>

<p>эдинг, у эса тўғри йўлдан борувчидир.</p>	<p><i>will be a slave when you die. He is a slave for God's will today, when he is alive but will be the king when he dies hope to God. Because you're bilious and dishonest and he is honest enough, I think.</i></p>
---	--

Юқоридаги парчада келтирилган «нафс» тушунчаси ўзбек маънавиятининг марказий концептларидан биридир. Тушунчанинг замирида нисбатан салбий маъно англашилади. Академик А.Рустамов «Сўз хусусида сўз» китобида «нафс»нинг қуйидаги хусусиятларини тавсифлайди: «Нутқда «нафс» сўзи ҳайвонларга, асосан, инсонга нисбатан ишлатилиб, «кишининг ўз жисмоний эҳтиёжларини қондиришга бўлган интилиши»ни англатади. Бу одамда меъёрдан ортиқ ёки ахлоқ доирасидан ташқари бўлса, ундай кишини «нафси ёмон», «баднафс» ёхуд «нафсини тиёлмаган киши» деб атайдилар. Агар нафси меъёр ва ахлоқ доирасида бўлса, бундай одамларни «нафси яхши» ёки «некнафс» дейиш мумкин. Агар нафсоний талаби меъёридан кам бўлса, бундай киши «нафси ўлик» ёки «нафсини тийган киши» дейилади. Инсонда ақл бўлгани учун нафсини бошқара олади. Ҳайвонда ақл бўлмагани учун унинг нафсини инстинкт бошқаради. Шунинг учун ҳайвон нафсоний эҳтиёжларини куч йўли билан ҳам қондиради. Бу жиҳатдан инсоннинг ҳайвондан фарқ қиладиган жиҳати – ақл ёрдамида нафсини тия олиши. Инсонда ҳайвоний ҳислар инсоний ҳислар билан қоришиқ бўлади. Нафсини тия олган шахснинг инсонлиги, нафсини тиёлмаганнинг ҳайвонлиги ортиқ бўлади.

Демак, «нафс»ни маърифий нуқтаи назардан салбий ва ижобий турга ажратиш мумкин. Масалан, А.Рустамов таъкидлашича, «нафси мазкур

жихатдан мухтасар қилиб, уч ёки тўрт ва муфассал қилиб етти турга бўлганлар. Уч турга бўлганда бирини «нафси аммора», иккинчисини «нафси лаввома» ва учинчисини «нафси мутмаина» деб атаганлар. «Уч нафс» ёхуд «нуфус-и салоса» деганда нафснинг мана шу уч тури, аниқроқ қилиб айтганда, ахлоқий даражаси тушунилади. Тўртга бўлганда мазкур учтага «нафси мулҳама» дегани қўшилади. Етти турга бўлганда мана шу тўрттага яна учтаси қўшилади ва булар «нафси розия», «нафси марзия» ва «нафси комила» деб аталади».

Албатта, юқоридаги каби ҳолатда таржимон таржима бирликларининг айнан муқобилини танлашга эмас, асосан, умумий маънони тўлақонли етказиб беришга интилади. Шу сабабдан, таржимадаги сўзларнинг луғавий маъноси бироз фарқли бўлиши табиий ҳол. Бироқ шундай бўлишига қарамасдан, ушбу тафовутлар юзаки, зоҳирий маъно англашилишига тўсқинлик қилмайди ва, аксинча, асл матн юзаки мазмунининг ўша тил вакиллари учун янада тушунарлироқ бўлишига хизмат қилади. Қолаверса, бундай тафовутлар аслиятдаги ифода маъносининг зиддини эмас, балки ўша ифоданинг бошқа бир маъновий қиррасидан келиб чиққан ҳолда танланади. Модомики, аслиятда қўлланган бирликнинг функционал луғавий маъноси сақлаб қолинган экан, бу ҳолда жузъий тафовутларга эътибор бермаган ҳолда, таржимани ҳам аслият зоҳирий маъносига яқин дея қабул қилиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Менглиев Б.Р. Тараққиёт ва маънавият // Маърифат, 2018 йил, январь.
2. Зикриллаев Ғани. Рух ва тил. – Т.: Фан, 2018. – 264 б.
3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдди. 4-жилд. – Тошкент: ЎЗМЭ, 2004.
4. M.B. Akhmedova. GENETIC AND STRUCTURAL SPECIFICATIONS OF THE SPIRITUALITY NOMINATIVE UNITS IN THE UZBEK LANGUAGE. Theoretical & Applied Science, Vol.10, 2018. - P.331-333

5. Akhmedova Mekhrinigor Bakhodirovna. “‘SPIRITUALITY’ LANGUAGE CATEGORY AND ITS CONTENT”. Middle European Scientific Bulletin, vol. 6, Nov. 2020, pp. 57-59, doi:10.47494/mesb.2020.6.115.
6. Akhmedova D.B. Semantic labeling of language units// International Journal on Integrated Education. e-ISSN: 2620 3502 p-ISSN:2615 3785. Volume 3, Issue I, Jan 2020. – P. 177-179 // <https://www.researchgate.net/publication/339152869>
7. Akhmedova D.B. Set of semantic tags for Uzbek language units: constants and operator/classifier. International Scientific Journal Theoretical & Applied Science. Impact Factor, 2409-0085(online) Issue:02 Volume:82 Published 29.02.2020. – P.177-179.
<https://www.elibrary.ru/defaultx.asp?rpage=https://www.elibrary.ru/item.asp?id=42658994>
8. Akhmedova D.B., Mengliyev B. Semantic Tag Categories in Corpus Linguistics: Experience and Examination// International Journal Of Recent Technology and Engineering (IJRTE) ISSN:2277-3878, Volume-8, Issue-3S, October-2019// <https://uzjournals.edu.uz/buxdu/vol4/iss1/15/>